

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил сентябрь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг очик сайёр суд мажлиси Конимех Политехника техникуми биносида бўлиб

Раислик қилувчи Х.Тухтаев

Судья ёрдамчиси Ш.Қувондиқованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Конимех туман прокурори ўринбосари Ш.Куралаев ва жабрланувчи [REDACTED]

[REDACTED] жиноят иши кўрилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED]

куни Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 09.02.2015 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 26.03.2018 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ва 25,169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 59,60-моддалари тартибида 2 йил 4 ой муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 14.09.2022 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашув асосида тугатилган, [REDACTED]

уйда яшаган, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 19.08.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбланган.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] 1995 йил 27 ноябрь куни Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати



ажратишгани, сўнг [REDACTED] автомашинасига ўтириб яшаш хонадонига қайтиб келгани, жанжал вақти у [REDACTED] урган-урмаганлигини кўрмагани, уни айби йўқлиги, суддан адолатли қарор қабул қилиш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, 2025 йил апрель ойи охирларида Хатирчи тумани, “Ангидон” маҳалласидаги унга қўшни бўлган “Қуврай” қишлоғида яшовчи Содик уйига уни чақириб келгани, шу вақт уни олдига чиққанида, у унга [REDACTED] билан нима бўлганини сўраганида, унга ундан шуни сўрамоқчи эканлигини айтганида, у унга “юр четга ўтайлик гаплашиб оламиз” дегани, шу вақт иккаласи тортишиб тепаликга чиққанида, у ерда [REDACTED] ҳам бўлгани, шундан сўнг улар унга “силар бизни урдинглар” деганида, ўша вақти у йўқлигини айтиб, уларга ўзлари янгасини ҳақорат қилганини айтганида, Содик “охиригача борсанглар, охиригача борамиз” деганида, Содикқа “бу қилаётган ишларинг нотўғри бўлди қилинглари яхши бўлмайди” деб тушунтиргани, А [REDACTED] унга “сен билан уришаман” деганида, уларга урушмаслигини айтиб уйига қайтариб юборгани, шундан сўнг 2025 йил 2 май куни акаси [REDACTED] ва қариндоши [REDACTED] туманидан ишдан келгандан сўнг акаси билан маслаҳатлашиб А.Худойназаровни нима учун бундай қилаётганини ва қилаётган иши нотўғри эканлигини тушунтириш учун улар билан бирга [REDACTED]

[REDACTED] чақириб унга акасини олиб келганини, ўзаро гаплашиб олишларини айтгани, сўнг сой бўйига тушгач [REDACTED] акаси [REDACTED] билан ўзаро тортишиб, “қўлингдан нима келади” деб баланд парвоз оҳангда гапирганида, А.Худойназаровни муқаддам акаси [REDACTED] майли, лекин нимага онадан сўкинасан, акамни онаси мени ҳам онам бўлади” деб жаҳл устида уни юзига бир мушт ургани, шундан сўнг улар ўзаро жанжаллашиб бир бири билан ёқалашиб кетгани, шу вақт А.Худойназаровни қўшнилари Б [REDACTED]

[REDACTED] яшаш хонадонига қайтиб келгани, жанжал вақти А.Худойназаровни бир маротаба юз қисмидан муштлаб урганини эслаши, жанжал вақти А.Худойназаровни акаси С.Тожиев, укаси Н.Тожиев ва қариндоши Э.Тилибов урган ёки урмаганини кўрмагани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи [REDACTED] кечирим сўрашини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини инобатга олиб, қонуний енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи [REDACTED] айбига иқрорлик билдирмасдан, судланувчи Ж.Тожиев айбига иқрорлик бирдирган бўлса-да, уларнинг айби судда муҳокама қилинган ва ҳуқуқий баҳо берилган қўйидаги далиллар билан тўлиқ исботланади:



жабрланувчи [REDACTED] судда, судланувчиларни таниши, уларга адовати йўқлиги, 2025 йил март ойи бошларида [REDACTED]

келишгани, 2025 йил 2 май куни соат тахминан 18 ларда уйига Ж.Тожиев келиб гаплашиб олмоқчи эканлигини айтганида, у билан кўришиб ортидан боргани, [REDACTED]

[REDACTED] унга мотоциклига минишини, сал пастроққа боришини айтганида, унга мотоциклига минмаслигини ва ҳеч қаерга бормаслигини айтгани, сўнг улар билан оғзаки тортишиб қолганида, С.Тожиев ўнг томонида Ж.Тожиев эса чап томонида туриб қўлларидан ушлаб туришганида, Э.Тилиябов олд томонида туриб қўл мушти билан юзидан бир маротаба ургани, сўнг уни ортидан дарҳол чап томонида турган Ж.Тожиев ҳам қўл мушти билан юзидан ургани, шу вақт уни бурнидан қон кела бошлагани, шу орада бошининг орқа томонидан С.Тожиев ҳам қўли билан ургани, Н.Тожиев ундан сал узокроқда тургани, шу орада уларнинг қўлидан чиқишга урингани ва тахминан 30 метрлар қочганида, Э.Тилиябов уни ортидан қувиб келиб қўлидан ушлаб тўхтатганида, у ҳам уни қўлидан ушлаб олганида, Ж.Тожиев ҳам у ерга етиб келиб қўли билан чап кўзидан ургани, шу вақт Э.Тилиябов ҳам қўл мушти билан жағининг чап томонидан бир маротаба ургани, шу вақти у ерга қўшниси Б.Норкулов келиб уларни ажратишга урингани лекин у ажрата олмаганидан сўнг у ерга қўшниси У.Бобоқуловни чақириб келиб уни ажратиб олишгани, Н.Тожиев уни урганини аниқ кўрмагани, судланувчилар Э.Тилиябов ва Ж.Тожиевни кечирмаслиги, уларга нисбатан қонунда назарда тутилган энг оғир жазони тайинлаш ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED], судланувчи Ж.Тожиев укаси, судланувчи Э.Тилиябов эса қариндоши бўлиши, ўз хоҳиши билан кўрсатув бериши, 2025 йил 8 март куни ҳамқишлоғи С.Абдуллаев поччасини савдо дўконига турмуш ўртоғи Нафосат билан бирга байрам қилиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб келиш учун бирга боргани, шу вақт савдо дўконидан савдо қилиб бўлгач шу ерда савдо дўкони ёнидаги ошхонада ўтириб поччаси ва турмуш ўртоғи балиқ пишириб еб ўтирганида, ташқаридан кимдир чақиргани, шу вақт С.Абдуллаев ташқарига чиқмоқчи бўлганида, ташқаридан А.Худойназаров эшикни очгани, С.Абдуллаев унга ичкарида одам бор дейишига қарамасдан у ичкарида ким борлигини кўришини айтгани, шу вақт у ҳам ташқарига чиққанида, А.Худойназаров уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, “ичкарига фоҳиша олиб келгансиларми” деб турмуш ўртоқларини шаънига тегувчи уятли гапларни гапириб сўкинганида, С.Абдуллаев ичкарида уларни турмуш ўртоқлари бор деб айтишига қарамасдан ҳақорат қилишда давом этиб, уни ҳам онасидан ҳақорат қилгани учун жаҳли чиқиб у билан тортишиб ёқалашиб кетганида, С.Абдуллаев ва турмуш ўртоқлари уларни ажратиб қолишгани, шундан сўнг 2025 йил 15 март куни Самарқанд вилояти, Ургут туманига ишлаш мақсадида қариндоши Э.Тилиябов билан кетгани, орадан бир неча кун ўтиб турмуш



ўртоғи билан телефон орқали суҳбатлашганида, А.Худойназаров билан Содиқ маст ҳолда уйига уни сўраб келганини айтгани, шу вақт индамай кўйгани, шундан сўнг укаси Ж.Тожиев билан гаплашганида, укаси ҳам Анвар билан Содиқ уни бир неча маротаба сўраб келганини, шу вақти улар “аканг билан сени бир куни урамиз, биз қайтмаймиз” деб айтганини билдиргани, шундан сўнг 2025 йил 2 май куни тахминан соат 12 ларда укаси Сардор Нуриддин ва қариндоши Элдор билан бирга Ургут туманидан уйига келганида, турмуш ўртоғи унга “Анвар билан орани очиб кетинг, ҳа деб ичиб олиб маст ҳолда сиз йўқлигингизда уйимизга келавермасин” деб айтгани, шундан сўнг у Анвар билан Содиққа тушунтириб келиш учун у, укалари

уйига тахминан соат 16:30 ларда бориб унга уни йўқлигида нима учун уйига борганини айтиб ўзаро тортишиб қолганида, укаси

ажратишга урингани, шу орада А.Худойназаровни кўшнилари

автомашинасига ўтириб уйига қайтиб келишгани, жанжал вақти у А.Худойназаровни уриб тан жароҳати етказмагани, жанжал вақти ва Э.Тилибов юзидан кўли билан ургани ҳақидаги кўрсатуви;

судда сўралган гувоҳ кўрсатувларига ўхшаш бир хил мазмунда кўрсатув берди.

гувоҳ судда, судланувчиларни таниши, уларга адовати йўқлиги, 2025 йил 2 май куни соат тахминан 17 ларда туман марказига бориш мақсадида уйдан чиқиб ўзига тегишли “Кобалт” автомашинасида қишлоғи орасидан ўтган кўчадан ҳаракатланиб кетаётганида, сой бўйида бир неча нафар шахсларнинг ўзаро уришаётганини кўргани, шу вақт кўшни “Чинор” қишлоғида яшовчи ака-ука Санжар, Жавлонлар ва яна бир унга нотаниш йигит кўшниси Анварни ўртага олиб уриб тепиб ётишганини кўргани, улардан бироз нарироқда Нуриддин ҳам тургани, шунда автомашинасини тўхтатиб уларни ажратгани, шу вақт у ерга амакиси У.Бобоқулов ҳам бўлиб ўтган ҳолатни кўриб уларни ўзини олдига чақириб дакки бергани, сўнг уни йўли “Чинор” қишлоғидан ўтиши сабабли ака-укаларни ўзи билан олиб кетиб яшаш хонадонига ташлаб йўлини давом эттиргани, 2025 йил 2 май куни юз берган жанжал нима сабабдан келиб чиққанини билмаслиги, жанжал вақти Анварни айнан ким, қандай уриб тан жароҳати етказганини аниқ ажратиб айтиб бера олмаслиги лекин ўша вақтда ўраб олиб, учаласи ҳам фаол равишда уни танасининг турли соҳаларидан уришганини кўргани ҳақидаги кўрсатуви;

судда сўралган гувоҳ кўрсатувларига ўхшаш бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларидаги ариза, билдирги, тушунтириш хатлар, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, юзлаштириш баённомалари, жиноят ишини бир қисмини



тугатиш тўғрисидаги қарор, экспертиза хулосалари ва жинойт ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар [REDACTED] [REDACTED] жинойт ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жинойт кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.

Суд, [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда уни ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат аниқланмади деб топиб, жинойтни ғаразгўйлик ниятида содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, у томонидан содир этилган жинойтни ижтимоий хавфлилик даражасини, жинойтни келиб чиқиш сабабларини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, Жинойт кодекси одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий тушунтиришларига амал қилган ҳолда ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони манзил колонияларда ўтатиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жинойтни ғаразгўйлик ниятида содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, у томонидан содир этилган жинойтни ижтимоий хавфлилик даражасини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жинойтни келиб чиқиш сабабларини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, Жинойт кодекси одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий тушунтиришларига амал қилган ҳолда ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони манзил колонияларда ўтатиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-



атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни лозим топди.

Шунингдек, суд жабрланувчи [REDACTED] томонидан етказилган моддий зарар бўйича судга асосли ҳужжатлар тақдим қилмаганлиги сабабли унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457,460,462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади

Ҳ У К М

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жазони манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2025 йил 25 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жазони манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2025 йил 25 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкумлар ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Навоий вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Ҳ.Тухтаев

Аслига тўғри :



Ҳужжат имзоланган: Тухтаев Ҳабибулла Баратович, 15.10.2025

